“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Чуст туман тиббиёт
бирлашмаси
бошлиғи
___________С.Каримова
«____»__________2022 й

Чуст туман тиббиёт бирлашмасига пархез таом Аутсорсинг хизматини бажарадиган ташкилотни танлаш бўйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Буюртмачи: Чуст туман тиббиёт бирлашмаси**

**Чуст – 2022 й.**

# ТАРКИБИ

1. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.
2. Танловни техник қисми.
3. Танловни нарх қисми.
4. Шартнома лойиҳаси.

# 1. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

| | | |
|---|---|---|
| **1. Умумий ҳолатлар.** | 1.1 | Мазкур танлов хужжатлари Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун (кейинги ўринда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги "Лойиҳа олди, лойиҳа, тендр хужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3550-сонли Қарори (кейинги ўринларда – Қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади. |
| | 1.2 | **Танлов предмети:**<br>Чуст туман тиббиёт бирлашмасига пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажариш учун |
| | 1.3 | Чуст туман тиббиёт бирлашмасига пархез хамшираси талабномаси танловни ўтказиш учун асос хисобланади. |
| | 1.4 | Танлов ўтказишда унинг чегара қиймати шартноманинг умумий қиймати август ойидан 31 декабргача бўлган давр учун 300093750 (Уч юз миллион туксон уч минг етти юз эллик) сўмдан ошмаслиги зарур.<br>*(танлов таклиф қилинган нархлар ундан юқорини ташкил қилмаслиги зарур)* |
| | 1.5 | Харид қилинган хизматлар техник топшириғи мазкур танлов хужжатларининг иловасида келтирилган. |
| | 1.6 | Танлов комиссияси йиғилишининг шакли – юзма-юз. |
| **2. Танлов ташкилотчилари** | 2.1 | Чуст туман тиббиёт бирлашмаси танлова буюртмачиси (кейинги ўринда – танлов буюртмачиси) хисобланади.<br>"Буюртмачи" манзили:<br>Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чуст шаҳри Сабзазор МФЙ, Н.Тргунов кўчаси 54А уй.<br>"Буюртмачи" реквизитлари:<br>МФО 00014,<br>х/р 401322860142377073101054001<br>"Марказий банк Тош ш." ХККМ. |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.2 | Танлов ташкилотчиси контакти:<br>Шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими, бўлим бошлиғи.<br>Моб: (90) 279-92-75<br>e-mail: chust.tssb@minzdrav.uz<br>Техник саволлар бўйича маъсул контакти:<br>Б.Салимов<br>Тел: (90) 279-92-75 |
| | 2.3 | Танлов комиссияси ишчи органи.<br>Чуст туман тиббиёт бирлашмаси иш ва хизматлар танловини амалга оширувчи танлов комиссиясининг танловлари ўтказишдаги ишчи орган масъул котиби (“кейинги ўринларда – танлов комиссияси”).<br>Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чуст шахри Сабзазор МФЙ, Н.Тргунов кўчаси 54А уй. |
| | 2.4 | Шартнома тузувчи; Чуст туман тиббиёт бирлашмаси |
| | 2.5 | Танлов буюртмачи томонидан ташкил қилинган танлов комиссияси томонидан ўтказилади. |
| **3. Танлов иштирокчиси.** | 3.1 | Танловда мазкур танлов хужжатларининг 4.2-бандида кўрсатилган юридик шахслардан бошқа, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин. |
| **4. Танловни ўтказиш тартиби** | 4.1 | Танлов иштирокчиси танловда қатнашиши учун:<br>- танлов шартлари билан тўлиқ таниши учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган хужжатларнинг электрон шаклини олиши (юклаб олиши);<br>- танлов хужжатларида кўрсатилган талабларни эътиборга олган ҳолга унда иштирок этиш тўғрисида расмий танлов таклиф бериши зарур. |
| | 4.2 | Танловга қуйидаги иштирокчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:<br>- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий кадрлар ресурсларининг хамда бошқа ресурсларнинг мавжуд эмаслиги; |

- шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эга эмаслик, шу жумладан, мазкур хизматларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган лицензия/гувохнома мавжуд эмаслиги;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликни мавжудлиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таомилларининг мавжудлиги;
- буюртмачи билан охирги уч йил ичида тузилган шартномавий муносабатларни етарли даражада бажармаган бўлса;
- буюртмачи билан суд тартиби ва судгача бўлган масалалар кўритилаётган бўлса;
- Инсофсиз ижтирокчилар ягона реестрида қайд этилганлиги.

4.3 Буюртмачи қўйидаги холларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишда четлаштиради:

- Иштирокчи тўғридан тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг хозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирор-бир харакатни амалга ошириш, карор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш максадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки хар қандай қимматбахо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
- Иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

5. Танлов тили, ўлчов бирликлари

5.1 Танлов таклифи хамда иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан бўлган барча ёзишмалар, хужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
Техник таклифлар рус тилида берилишига йўл қўйилади.

5.2 Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланилиш шарт.

6. Танлов таклифлари ва уларни расмийлаштириш шартлари

6.1 Танлов иштирокчиларининг таклифлари мухр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдикланган ёки таклифларнинг хар бир вароғи имзоланган холда тақдим этиш тавсия этилади.

6.2 Танлов иштирокчиси:

- тақдим қилинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул хисобланади;
- фақат битти таклиф бериш хуқуқига эга;
- тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли;

6.3 Танлов таклифи икки қисмдан иборат бўлади:
3) техник қисми Буюртмачининг техник топшириғига кўрсатилган талабларга мос келиши ва таклиф қилинаётган хизмат тўғрисида батафсил ёритилган бўлиши зарур;
4) нарх қисми танлов (хизмат, иш) номланиши, товарлар (хизмат, иш) номланиши, товарлар (хизматнинг, ишнинг) бир бирлиги нарх, умумий қиймати, етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шакли, таклифни амал қилиш муддати ва х.к. каби маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

6.4 Иштирокчи таклифларни рахбар имзоси ва ташкилот мухри билан тасдикланган холда тақдим қилиниши зарур. Нархга оид таклиф хам бошланғич шаклда берилади.

6.5 Техник таклифлар қуйидаги хужжатларни ўз ичига олиши зарур:

- мазкур йўриқнома иловасидаги 6 шаклга мувофиқ таклиф қилинаётган махсулот (товар/ишлар) техник характеристикалари техник топшириққа таққосланган холдаги жадвал кўринишида техник таклифлар:
- Мазкур турдаги амалга ошириш учун рухсат берилганлиги тугрисида тасдикловчи хужжатлар;
- бошка техник хужжатлар (брошюра, техник паспортлар, йурикнома ва бошка хужжатлар).

6.6 Ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажарилиши ва газначилик булимии ) танлов таклифлари солинган конвертларни

| | | |
|---|---|---|
| | | бутлигива ишончли сакланишига жавобгар хисобланади. |
| | 6.7 | Танловга таклифларни кабул килиш махсус ахборот порталида чоп этилган эълонда курсатилган муддат келиши билан тугатилади. |
| 7. Танлов таклиқларини бериш муддатларини узайтириш | 7.1 | Иштирокчининг асослантирилган илтимосга асосан танлов комиссияси танлов таклифлари қабул қилиш санасини кўчириши (узайтириши) мумкин. Бунда кўчириладиган (узайтириладиган) муддат танловнинг барча иштирокчилари учун тадбиқ этилади.<br>Танлов таклифларини кабул килиш муддати узгарганлиги тугрисидаги огохлантириш танловда иштирок етаётган барча иштирокчиларга почта,электронпочта ёки факс оркали юборилиши зарур. |
| | 7.2 | Танлов таклифларини такдим килиш муддатини узайтириш тугрисидаги эълон махсус ахборот порталида жойлаштирилади. |
| 8. Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш | 8.1 | Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санада камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли.<br>Танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш давомида товарни ёки унинг хусусиятларини узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади. |

9. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чикиш ва бахолаш

9.1 Элонда танловни утказиш вакти сифатида курсатилган вактда харид коммисияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни бахолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чогида хозир булишга хакли.

9.2 Эьлонда иштирокчиларининг таклифларларини куриб чикиш ва бахалаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эьтиборан ун кундан куп булиши мумкин эмас.

9.3 Танлов иштирокчилари томонидан берилган талиф танлов хужжатларининг талабларига мувофик булса, у тегишли тарзда расмийлащтирилган деб топилади.

9.4 Танлов голибини танловхухатларида курсатилган мезонлар асосида аниклаш учун харид комиссияси радэтилган таклифларни бахолашни амалга оширади.

Танлов хужатларини бахолаш максадида танлов комиссияси комиссия аьзолари ёки экспертлардан иборат булган бахоловчи гурух тузишга хакли.

9.5 Танлов голибини танловхухатларида курсатилган мезонлар асосида аниклаш учун харид комиссияси рад этилган таклифларни бахолашни амалга оширади.

9.6 Танлов хужжатларида ва таклифда курсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф килган танлов иштирокчиси голиб деб топилади .

Танловда иштирок этишдан четлаштирилмаган танлов иштирокчиларининг нарх кисми буйича хам батафсил куриб чикилганидан ва бахоланганидан кейин танлов

| | | |
|---|---|---|
| | | таклифларининг барчаси умумий холда бхоланади. |
| | 9.7 | Агар таклиф Конун, Карор ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофик булса у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. |
| | 9.8 | Таклифни киритган танлов иштирокчиси конунда карорда ва ушбу танлов хужжатларида белгиланган талабларга мос келмаса харид комиссияси бундай таклифни рад этади. |
| | 9.9 | Бахолаш пайтида танлов камиссияси танлов иштирокчиларидан таклифлари буйича тушунтиришлар сурашга хакли мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси оркали белгиланган тартибда олиб борилади.Тушунтириш жараёнида таклифнинг мохияти шунингдек нархи юзасидан бирорбир узгартиришларга йул куйилмайди. |
| 10. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликнинг амал килиши | | |
| | 10.1 | Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобганлик юклатилади.<br>- танлов ғолиби –Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва/ёки тузилган шартнома мажбуриятини бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлик бўйича. |
| 11. Бошқа шартлар | 11.1 | Буюртмачи танлов иштирокчисидан таклиф қилинган товар (хизмат/иш) бўйича шундай товар (хизмат/иш) иштирокчи томонидан илгари етказиб берилган (кўрсатилган) учинчи шахсдан фикр-мулохаза сўраши мумкин. |
| | 11.2 | Танлов комиссияси томонидан қуйидаги холларда танлов ўтказилмаган деб топилиши мумкин. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки бironta иштирокчи иштирок этмаган такдирда.<br>- тақдим қилинган барча танлов таклифларида зарурий хужжатлар етарлича тақдим қилинмаган бўлса ёки танлов таклифларини бахолаш чоғида улар томонидан тақдим қилинган таклифларнинг барчаси комиссия хулосасига кўра четлаштирилган бўлса. |
| 12. | Шартномани расмийлаштириш | 12.1 | танлов натижалари бўйича шартнома хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади. |
| | | 12.2 | Танлов натижаларига кўра танлов ғолиби деб топилган иштирокчига буюртмачи томонидан унинг танловда ғолиб бўлганлиги ва белгиланган шартлар бўйича шартнома тузиши тўғрисида расмий хат юборилади. |
| | | 12.3 | Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган холларда шартнома тузиш хукуки захира ижрочисига ўтади. Бунда захира ижрочиси танлов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. |

**Чуст туман тиббиёт бирламшаси бош хисобчиси** **Б.Салимов**

**Чуст ТТБ бош иктисодчиси** **У.Усмонов**